# МАҚСАДИМИЗ — БАЙНАЛМИЛАЛЛИК

Яқинда жумҳурият «Билим» жамияти Бошқаруви миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбия масалаларини тарғиб этувчи комиссиясининг йиллик ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни очган СССР халқ ноиби, СССР ФА мухбир аъзоси, Ўзбекистон президенти Кенгаши аъзоси Э. Ю. Юсупов йиғилганларга Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ «Билим» жамияти навбатдан ташқари съездининг якунлари ҳақида ахборот берди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари халқлари тақдири, бу халқларнинг яшаш тарзи, миллий анъаналари, урф-одатлари яқин эканлигини, демак, буларнинг бугунги ҳаётида туғилаётган муаммолар тарихини ўрганиш, ўз миллий маданиятини юксалтириш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида пахта масаласи, экология, ер, табиат, сувдан фойдаланиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш каби масалаларни биргаликда ҳал этиш зарурлигини таъкидлади. Қардош жумҳуриятлар олимлари, лектор фаоллари, миллий марказ ва жамиятлар билан ҳамкорликда тадбирлар, дўстлик фестивалларини ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Бир қатор миллий жамият ва марказлар вакиллари халқларимизнинг чуқур ва бой маданий меросини қайта идрок этишда халқ тафаккури ва маънавиятини бойитишга хизмат қиладиган тадбирларни ўтказиш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Ўзбекистон Коммунистик партия Марказий Қўмитаси лекторлар гуруҳининг мудири, фалсафа фанлари номзоди А. М. Жалолов партия ташкилотлари қошида очилган ижтимоий-сиёсий марказлар ва «Билим» жамиятлари ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш тўғрисида гапирди.

Тарих фанлари доктори Ш. Н. Якубов Жумҳурият рус тили ва адабиёти педагогика олийгоҳида талабалар ўртасида миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга амалий ёрдам бераётган дўстлик театри (кўплаб миллат вакиллари ўзбек ва рус тилларида сўзлашадилар), мунозара кечалари ўтказилганлиги ҳақида ахборот берди.

Иқтисод фанлари доктори Р. Я. Досумов бозор иқтисодиёти механизми, халқ ҳаёти фаровонлигини таъминлашдаги унинг ўрни, ҳар қандай иқтисодий алоқа, хоҳ иттифоқдош республикалар, хоҳ чет мамлакатлар билан бўлсин ҳар икки томоннинг манфаатларини кўзлаб олиб борилиши лозимлиги тўғрисида фикр юритди. Йиғилиш якунида комиссия янги бюро аъзолари сайланди. Жумҳурият аҳолиси ўртасида миллатлараро муносабатлари ва байналмилал тарбия масалаларини тарғиб этишдаги катта меҳнатлари учун бир гуруҳ олимлар «Билим» жамияти эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Х. ЗУФАРОВ,**
**Ўзбекистон ССР «Билим» Жамияти Бошқаруви илмий котиби.**

# ХАЛҚИМИЗГА НИМА КЕРАК?

БУГУНГИ куннинг энг муҳим масалаларидан бири бўлажак Иттифоқ федерациясини тенг ҳуқуқли, мустақил Совет Социалистик Жумҳуриятлари сифатида ўтказиладиган умумхалқ овози — СССР референдумидир. Халқимиз янги Иттифоққа ўз муносабатини билдириши керак. Бу тўғридаги Қонун СССР халқ депутатларининг яқинда бўлиб ўтган съездида қабул қилинганди. Ҳозир овоз беришни ўтказиш учун мавзелар ҳудудлари аниқланди. Лекин мавзе комиссиялари аҳолига тарғибот-ташвиқот каби тушунтириш ишларини эндигина бошлади. Шу муносабат билан биз Янгийўл ноҳиясида йўл-йўлакай кишилар билан референдум тўғрисида суҳбатлашиб қайтдик. Уларнинг фикрларини билиш учун саволлар тузиб олгандик.

**1. 17 мартда СССР референдуми ўтказилади, бундан Сизнинг хабарингиз борми?**

**2. Сиз референдумда ССР Иттифоқини тенг ҳуқуқли мустақил жумҳуриятлар федерацияси сифатида сақланиб қолиши учун овоз берасизми ёки...?**

Биринчи саволимизга тўлиқ жавоб олгач, иккинчи саволимизни беришни мўлжаллагандик. Афсуски, ҳали кўпчилик референдумни билмас экан.

Биринчи суҳбатдошим «Интернационал» жамоа хўжалигининг кадрлар бўлими бошлиғи И. Акромов бўлди. Икром ака барибир зиёлилардан эканлигини исботлади. Чунки саволимизга аниқ, лўнда қилиб жавоб бердилар. Ноҳия сув хўжалигининг ишчиси Й. Нуралиев эса референдум тўғрисида ҳеч нарса билмаслигини айтди. Механизатор Р. Абдувоситов тусмолдан ишонқирамай «умумхалқ овози бўлса керак, тағин билмадим» деган гапни қилди. 1-автокорхона ҳайдовчиси Й.

**17 МАРТ — СССР РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ**

Одилов референдумни умуман тушунмаслигини, буни яхшиси тушунтириб беришимни илтимос қилди. Охирги суҳбатдошимиз Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлими ходими К. Мирзараҳимов «мажлис, йиғилиш деса тушунардим, бунақасини энди эшитишим» деб жавоб берди.

Референдум ўтказилишига деярли бир ой вақт қолди. Назаримда жойларда тузилган референдум ўтказиш комиссиялари ҳали ҳам қоғозбозлик билан, ҳужжатларни расмийлаштириш билан шуғулланмоқдалар. Бу менга мантиқсиздек туюлди. Зеро, биз биринчи навбатда референдум тўғрисида халққа тушунча беришимиз, унинг моҳиятини англатишимиз лозим эмасмикан. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, мамлакатимизда жуда катта ишга, таъбир жоиз бўлса, унинг тақдирини ҳал этиш билан боғлиқ масала ҳақида гап бормоқда.

Биз кутган натижа бўлмади. Ҳеч ким бизга маънили бирор фикр айтмади. Тўғрисини айтганда, айниқса, қишлоқ мавзеларида яшовчи кишилар кунлик матбуотдан умуман хабарсиз. Чунки айримлар матбуот нашрларига умуман обуна бўлмаганлар.

Қолаверса, халқ ўз иши билан овора. Ҳамма уй-рўзғор ташвишлари билан банд. Референдум ўтказилишини тушунмаганлар эса кўп. Бунинг учун юқорида таъкидлаганимиздек тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантиришимиз керак. Халққа ёзма бўлмаса ҳам оғзаки тушунтиришлар беришимиз зарур. Фақатгина халқнинг фикригина, овозигина вайсақи шовинистларга, ўзининг шахсий сиёсий қарашлари билан мамлакатни ҳалокат ёқасига олиб келаётган, халқлар ўртасидаги байналмилалчилик алоқаларини бузаётганларга муҳим зарба бўлади. Халқимизга мана шу керак.

**Ҳ. ЮНУСОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.**

ДЎСТЛИКДА, ҲАМКОРЛИКДА

# ЦЕХЛАР ЎРНИДА ШИРКАТЛАР

ЗАВОД ИШЛАБ чиқариши бундан икки йил муқаддам оғир аҳволда қолган эди. Белгиланган режалар мунтазам бажарилмас, иқтисодий аҳвол ой сайин ёмонлашар, ишчиларнинг маошлари пасайиб кетган, кўпчилик бошқа корхоналардан иш излашар, дурустроқ жой топганлар ўтиб кетишарди. Ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан қайта қуриш зарурат бўлиб қолган эди. Худди шундай вазиятда ишчилар мутахассислар заводни ишлаб чиқариш ширкатига айлантириш таклифини илгари сурдилар. Шу тариқа Оҳангарон темир-бетон ишлаб чиқариш ширкати тузилди. Асосий цехлар ўрнида «Монолит» ва «Металл» кичик ширкатлари пайдо бўлди.

Бу ширкатлар цехлардан фарқли ўлароқ кўпроқ мустақилликка эга бўлди. Ишчиларнинг меҳнатнинг пировард натижасидан манфаатдорлиги ортди. Дастлабки кунларданоқ асосий эътибор ишлаб чиқаришда изчилликни таъминлашга қаратилди.

— Корхонамизда ўзбек, рус, қозоқ, тожик, корейс, туркман, украин ва бошқа ўндан ортиқ миллат вакиллари ишлайдилар,— дейди ширкат раиси Леонид Григорьевич Лигай.— ишда бироз силжиш сезиляпти, лекин ҳамон муаммолар бисёр. Асосий эътиборни жамоамиздаги миллатлар ўртасидаги дўстликни, аҳилликни таъминлаб, мавжуд резервлардан самарали фойдаланишга қаратяпмиз.

Халқ хўжалиги учун зарур темир-бетон плиталари ишлаб тайёрловчи бу корхонанинг ишлаб чиқаришда бир хил маромни таъминлаши уларнинг ўзигагина боғлиқ эмас.

— Асосий хом ашёмиз ҳисобланмиш металлни Магнитогорск, Череповецк металлургия комбинатларидан оламиз,— дейди етакчи иқтисодчи Татьяна Васильевна Сигева.— Ўзаро тузилган шартномага кўра бу комбинатлар бизни йил давомида турли хил металл симлар билан таъмин этиши керак. Лекин ўтган 1990 йилда биз деярли бирон марта улардан металл ололмадик. Чамаси, шартномаларнинг ҳам ҳеч қандай қиммати қолмагандай. Бу ёғи суд, арбитраж... Хуллас, осон бўлмаяпти. Шундай шароитда ишлашнинг ўзи бўлмайди, албатта.

— Ҳозиргина ўзингиз 64900 кубометр темир-бетон плиталари ишлаб чиқарилгани ва бу ўтган йилдагидан уч фоиз ортиқлигини айтган эдингиз, мен тушунолмай қолдим...

— Ҳа, ишлаб чиқаришда ўсишга эришганимиз ҳам, ишчиларнинг ўртача ойлиги ширкат тузилгандан бери 172 сўмдан 250 сўмга ўсгани ҳам,: «Монолит» ва «Металл» ширкатларида олди ишчилар 350—400 сўмдан ойлик олаётгани ҳам рост. Бунга асосан кўпмиллатли жамоамизнинг аҳилликдаги меҳнати туфайли эришаяпмиз. Металлни эса буюртмачиларнинг ўзларига юклашга мажбур бўлаяпмиз. Баъзида цементни ҳам.

Эндиликда ширкатда асосий эътибор корхонага келадиган фойдани кўпайтиришга қаратилган. Бу бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий шартларидан бири. 1990 йилда 1 миллион 430 минг сўм фойда кўрилди. Лекин бу кўп кишилик йирик корхона учун мутлақо етарли эмас. Чунки кўпдан-кўп ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш асосан маблағга боғлиқ. Энг асосий муаммолардан бири корхона 1968 йилда қурилган бўлиб, ўрнатилган дастгоҳлар эса 50—60 йиллар техникасидир. Бундай аҳволда айниқса ҳозирги даврда маҳсулот ҳар қанча зарур бўлмасин катта иқтисодий самарадорликка эришиш қийин. Шунинг учун дастгоҳларни аста-секин янгилаб бориш керак ва бу нарса ширкатнинг асосий йўналишларидан биридир.

Ширкат жамоаси халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш режасини барвақт адо этди. 186 минг сўмлик ўрнига 220 минг сўмлик товар сотилди ва 18,3 фоиз ўсишга эришилди. Келгусида бу борада ибратли тадбирлар белгиланмоқда. Чунки ушбу йўналиш корхона даромадининг салмоқли қисмини ташкил этиши мумкинлиги аниқ бўлиб қолди.

Корхонамиз ишлаб чиқаришини яхшилашнинг яна бир муҳим йўналиши малакали мутахассислар ва ишчи кадрлар билан тўлиқ таъминлашдир,— дейди кадрлар бўлимининг бошлиғи Тамара Федоровна Батманова.— Бу борада мунтазам иш олиб бораяпмиз. Мураббийчилик ҳаракати авж олган. Шундай бўлсада, корхонамизда шу кунда 422 киши ўрнига 376 киши ишлаяпти. Ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар бу соҳада ҳам ишимизни юриштириб юборса ажаб эмас.

Цехларни айланамиз. Дастгоҳлар бир маромда ишлаб турибди. «Монолит» ширкати қолипловчиси Ҳусниддин Ҳамдамовни суҳбатга тортдик.

— Сергей Бибиков, Давлат Бобоев каби ҳамкасбларим билан тил топишиб кетганмиз. Иккаласи ҳам корхонамизга меҳр қўйишган. Ишимиз кўриб турганингиздек осон эмас. Ойлигимиз 300—350 сўм атрофида бўлса ҳам, бу ҳозирги пайтда ҳеч нарса бўлмай қолди. Бу пулни айрим савдо ходимлари ва ширкатчилар бир кунда топиши мумкин. Бизники ҳам ширкат. Лекин ширкатнинг ширкатдан фарқи бор. Маҳсулотни кўпайтириб яхшироқ даромад олишга ҳаракат қилаяпмиз. Келгусида ишларимиз жўнашиб кетиши керак. Ҳарқалай шунга ишонгимиз келади...

Кўплаб ишчилар билан суҳбатлашдик. Корхонада ишлаётганларнинг кўпчилиги маҳаллий миллат йигитлари, ишбилармон ёшлар. Турсунбой Мирсаидов, Абдумалик Ҳайиталиев, Нурали Қурбонов, Тагир Мандиров, Анатолий Подряшкин, Галина Корнишина, Давлат Эргашев каби турли миллат вакиллари бўлган мутахассис ва ишчилар корхона ишлаб чиқаришида ижобий ўзгаришлар қилиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Н. АБДУРАСУЛОВ.**



Тошкент ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-йигирув фабрикасида кўплаб ёшлар меҳнат қилишади. Улар жамоа меҳнат ютуқларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ушбу суратда нормани муттасил 115 фоизга етказиб бажараётган ёш тўқувчи Мактуба Раҳматовани кўриб турибсиз.

Суратчи Ҳ. СОЛИҲОВ.

# СУРЪАТ БЎШАШМАЯПТИ

ЯНГИЙЎЛ ноҳияси саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари янги йилни ҳам дуруст бошладилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми режада белгиланганидан кам бўлмаяпти.

Улар ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йилида ҳам анча самарали меҳнат қилдилар. Илғор иш усулларини қўллаш, технология жараёнларини тинмай такомиллаштириш, ишчи-хизматчиларнинг ўз меҳнати сифати ва миқдори натижасидан манфаатдорлигини ошириш бунга ёрдам берди. Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажми режада белгиланганидан 7,1 фоиз ортиқ бўлди. Қўшимча 5 миллион 120 минг сўмлик турли-туман маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди.

Шуниси диққатга сазоворки, янгийўлликлар кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам муттасил ошириб боришмоқда. Ўтган йилги топшириқни ҳам ортиғи билан бажаришган эди. Режадагидан ташқари бир ярим миллион сўмликдан кўпроқ уй-рўзғор буюмлари савдо тармоқларига етказиб берилди. Ноҳия саноатида меҳнат унумдорлигини ошириш режасини бажаришда ҳам юксак кўрсаткичга эришилди. У 111,4 фоиз қилиб адо этилди.

**М. МАҲМУДОВ.**

# «ЭКСПРЕСС»: ҲАММА ВА ҲАР БИР КИШИ УЧУН

**Тошкентнинг темир йўл кассаларидаги телефонлар ва билет ёзиб берадиган қўполдан-қўпол аппаратлар ўрнини «Экспресс-2» автоматлаштирилган системаси эгаллади. Энди йўловчи билет сотиб олиш учун кўпи билан бир ярим минут вақт сарфлайди. Бутун маълумот кассир командасига бинноан дисплейлар экранига чиқади.**

**«Экспресс-2» ўз электрон хотирасида поездлар ҳаракати, мавжуд бўш жойлар тўғрисидаги барча маълумотларни сақлайди. Синалган электрон назорат системаси бир ўринга иккита билет сотилишига асло йўл қўймайди. Ваҳоланки, бундай ҳодисалар илгари тез-тез бўлиб турарди. «Экспресс-2» тез орада Москвада ишлаётган қудратли ЭҲМга уланади. У орқали Тошкентдан мамлакатнинг ҳар қандай жойига бориш учун транзит билет буюртириш мумкин бўлади.**

**Бу йил «Экспресс-2» Бухоро ва Самарқанднинг темир йўл кассаларида ишлай бошлайди. Тўқсонинчи йилларнинг охирларига бориб эса электроникадан Ўрта Осиё магистралининг барча йирик вокзалларида фойдаланила бошланади.**

**(ЎзТАГ мухбири).**

# ФАХРИЙЛАР МАМНУН

Очиқ чеҳрали, мулойим сўзли кутубхоначи Александра Павловна Кисицина бугун яна хурсанд. Бежиз эмас, у ўзи бошчилик қилаётган даргоҳнинг кекса мухлислари илтимосини қондирди. Кутубхонада янги адабиётлар, қўлланмалар ва оммабоп нашрлар учун алоҳида кўргазма столлари ташкил этилди.

— Баракалла, энди ҳар ким иккиланмай ўзига керакли янги китобларни топа олади,— дея ундан мамнун бўлишди фахрийлар.

Кутубхоначи эса улардан яна қандай таклиф ва истаклари бўлса айтиб туришларини илтимос қилди. Қарияларнинг илиқ гапларидан кўнгли кўтарилди...

Биз ҳикоя қилаётган бу жонкуяр китоб тарғиботчиси Ленин ва Ҳамза районлари маданият бўлимларига қарашли марказий кутубхоналарнинг 5-филиалида хизмат қилади. Унинг яна бир кўмакдоши Ирина Викторовна Александрова ҳам ўз касбини астойдил севганлардан. Иккала дугона ишлаш билан бирга Тошкент маданият олийгоҳида сиртдан билим олишмоқда.

Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари Кенгаши ҳузурида бундан икки йил аввал очилган бу кутубхона мунтазам бойиб бормоқда. Ҳозир у 24 мингдан зиёд китоб фондига эга. Бундан ташқари истаган кишилар кутубхонанинг унчалик катта бўлмаган қироатхонасида турли рўзномалар, жаридалар билан танишишлари мумкин.

— Биз ўқувчиларимизга фақат китоблар тарқатиш билангина чегараланмаймиз, — дейди А. Кисицина, — йиллик режамизга мувофиқ улар билан тез-тез мулоқотда ҳам бўлиб турамиз, шеърият кечаларига тўпланамиз. Янги китоблар юзасидан бахслар уюштирилади.

Яқинда кутубхонада бобомиз Алишер Навоий туғилган куннинг 550 йиллиги муносабати билан кўргазма ташкил этилди. Унда буюк мутафаккирнинг дурдона асарлари намоён этилмоқда. Улар орасида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»нинг сўнгги нусҳалари ҳамда Ойбек «Навоий» романининг яқинда нашрдан чиққан нусхаси ҳам бор.

Кутубхоначилар хизматлари ҳам маънавий, оз бўлса-да ҳам моддий қадр топганидан хурсандлар. Кўпчилик маданий муассасалар ходимлариники каби буларнинг ойлик маошлари ҳам 30—40 сўмга кўпайди.

**Д. ИЗАТИЛЛАЕВА.**

# ИЛҒОР ЖАМОАЛАР

ЧИРЧИҚДАГИ «Ғунча» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси янги йилнинг дастлабки ойи топшириғини 101 фоиз қилиб бажарди. Қўшимча ўнларча минг сўмлик турли хил тикувчилик буюмлари савдо тармоқларига етказиб берилди. Уларнинг кўпчилиги жажжи ўғил-қизларга мўлжалланган либослардир.

Умуман шундай кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бирлашма ўтган йилни ҳам дуруст якунлади. Ҳаммаси бўлиб 28 миллион 831 минг сўмлик тикувчилик буюмлари тайёрланиб, режанинг бажарилиши 105,1 фоизни ташкил этди.

Жамоа эришаётган бундай ютуқларга болалар учун кийим тикувчи цех чеварларининг қўшган ҳиссаси салмоқлидир. Улар цехлараро меҳнат беллашувида кўпинча мукофотли ўринларни эгаллашмоқда. 400 нафарга яқин хотин-қизларни бирлаштирган жамоа ишончни оқламоқда. Бунда пухта йўлга қўйилган социалистик мусобақа ҳам яхши самара беряпти. У ҳар ойда якунланиб, мусобақада ғолиб чиққан бригадалар ва айрим тикувчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Цехнинг И. Ҳайруллина, С. Аҳмедова, В. Ефимова каби тажрибали тикувчилари нормани 150 фоизга етказиб уддалашяпти.

Бу цех билан мусобақадош бўлган тикувчилик цехи жамоаси ҳам вақтдан ўзиб ишламоқда. Чеварлардан О. Мавлонова, С. Юнусова, К. Пирқуловалар меҳнатда юксак кўрсаткичга эришиб, нормани ўртача 140 фоиз атрофида адо этмоқдалар.

**А. НАБИХЎЖАЕВ,**
**А. ТОЖИЕВ.**

● *Иқтисодиёт ойнаси*

# ЭНЕРГЕТИКАМИЗ ИСТИҚБОЛИГА БИР НАЗАР

**ЭНЕРГЕТИКА — халқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Шундай экан, энергетика қанчалик юксак даражада ривожланган бўлса иқтисодиётимиз олдига қўйилган вазифалар шунчалик осон ҳал қилиниши мумкин. Демак, энергетикада гап кўп. Шунинг учун ҳам унинг истиқболлари, муаммолари кўпчиликни қизиқтиради. Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги техника бошқармасининг бошлиғи М. А. УСМОНОВА шу ҳақда штатсиз мухбиримиз И. АХМЕТОВга қуйидагиларни гапириб берди:**

— Вилоятимиз энергетикаси, умуман, жумҳуриятимиз шу тармоғининг тарихи Бўзсув ГЭСнинг фойдаланишга топширилишидан бошланади. Шундан бери энергетика хўжалигимизда катта ўзгаришлар бўлиб ўтди. Ҳозирги вақтга келиб бу система бутун жумҳурият ҳудудини қамраб олган ва унинг таркибида 50 га яқин иссиқлик ва сув станциялари, 200 минг километрдан ошиқроқ барча кучланишдаги электр узатиш линиялари, 1050 та ноҳия электр кичик станциялари, 44 мингта тақсимлаш ва трансформатор пунктлари бор. Уларнинг умумий қуввати 32 миллион киловаттни ташкил этади.

Энергетикамиз асосини иссиқлик электр станциялари — Тошкент, Янги Ангрен ва бошқа нурхоналар ташкил этади. Гидроэнергетика ҳам электр таъминотида ва суғориш ишларини амалга оширишда катта роль ўйнамоқда. Улар орасида Чорвоқ, Фарҳод ва бошқа йирик нурхоналар бор.

Шуни таъкидлаш керакки, бизнинг системамиз Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон бирлашган энергосистемаси доирасига киради. Шунинг учун ҳам қардош жумҳуриятлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Натижада электр таъминотида ҳеч қандай мураккабликлар содир бўлмаяпти. Вазирлик ва вилоятдаги энергетика тармоқлари ўтган йили яхши ишлаб, халқ хўжалигининг барқарор бўлишини таъминладилар.

Энергия системамиз мустаҳкам, деб айтиш мумкин. Бироқ уни истеъмолчиларнинг хўжасизлиги ёки охиригача ўйланмаган қарорлар билан оғир аҳволга солиб қўйиш ҳеч гап эмас. Тўғри, бизнинг мамлакатимизда электр энергияси жуда арзон ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархида электр энергиянинг улуши бир фоиздан беш фоизгача бормоқда. Шунинг учун ҳам бу истеъмолчиларни электр энергиясидан оқилона фойдаланишга қизиқтирмаяпти. Аввало саноат корхоналари бу соҳада исрофгарчиликка йўл қўймоқдалар. Улар кўпинча шартнома мажбуриятларини қўпол равишда бузишяпти.

Шундай бир шароитда энергиядан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақни ошириш ҳақида ўйлаб кўришда маъно бордекка ўхшайди. Чунки, яқин ўтмишда газ, кўмир ва мазутнинг нархи деярли уч баравар оширилди. Ваҳоланки, бу ёқилғи ва ёнилғилар нурхоналарда фойдаланилади. Бундан биз энергетиклар зарар кўраяпмиз.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик ходимлари учун электр энергиядан фойдаланиш ҳақи тахминан икки баравар арзонлаштирилди. Албатта, бу қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлиги ҳақида қилинаётган катта ғамхўрликнинг кўринишларидан биридир. Биз бунга қарши эмасмиз. Лекин у бизнинг тармоғимиз учун қўшимча машаққатларни вужудга келтирди. Олинадиган ҳақнинг камайиши қишлоқ аҳолиси томонидан электр энергияни истеъмол қилишнинг кескин кўпайишига олиб келди. Бизда кўпчилик қишлоқларда яшайди. Шунинг учун ҳам қишлоқ жойлардаги нур узатиш тармоқлари зўриқиб ишламоқда. Кўп ҳолларда эҳтиёжни қондиролмаяпти. Оқибатда тез-тез ишдан чиқмоқда.

Шуни айтиб ўтиш керакки, қишлоқлардагина эмас, шаҳарларда ҳам уйдаги электр узатиш тармоқлари ҳатто кондиционерлар қўйишга ҳам мўлжалланмаган. Ваҳоланки, жумҳуриятимизда кондиционерлар сони 3 миллионтадан ҳам ошиб кетди. Унинг бешдан бир қисми Тошкент вилоятига тўғри келади. Натижада линияларни ремонт қилиш учун харажатлар кўпайди.

Электр энергияси ҳам битмас-туганмас бойлик эмас. Кўплар у текинга тушади, дейишади. Аслида бундай эмас. Ахир уни ҳосил қилиш учун ўн минглаб ишчилар ва мутахассислар, муҳандислар фидокорона меҳнат қиладилар. Ишлари жуда оғир. Шунинг учун энергиянинг бефойда сарфланишини кўрганда ниҳоятда азият чекадилар. Буни ҳамма жойда ҳисобга олиш керак. Нурнинг ҳар бир киловаттидан тежаб-тергаб фойдаланиш лозим.

Маълумки, кейинги вақтларда қишлоқда якка тартибда ва пудрат усули билан уй-жой қурилиши ниҳоятда кенгайиб кетди. Бу ҳам ўз навбатида ҳаётбахш нурни истеъмол қилиш даражасини оширишга олиб келади. Айрим аҳоли яшайдиган манзилгоҳлар энергиянинг камчилигига дуч келишлари мумкин.

Ҳамма гап шундаки, ҳозирги қувватлар етарли эмас. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда у жуда зўриққан режимда ишламоқда. Аҳвол янада кескинлашиб бормоқда. Масалан, шу йилнинг кузги-қишки даврида бу соҳада қувватларнинг резервдаги қисми 14—15 фоиз бўлиши керак эди. Амалда эса 5—6 фоиздан ошгани йўқ. Худди шундай аҳвол энергия тармоқлари хўжалигида ҳам таркиб топди. Марказлашган капитал маблағлар режаларининг бажарилишини барбод этиш шунга олиб келди. Тармоқни 2000 йилгача бўлган даврда ривожлантириш режаси 1981—1990 йилларда бор-йўғи 50 фоиз бажарилди. Назарда тутилганининг фақат ярмига яқин янги қувватлар ва кичик станциялар ишга туширилди. Ваҳоланки, Ўзбекистон электр энергияни жон бошига истеъмол қилиш кўрсаткичи бўйича Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар орқада қолмоқда. Жуда катта табиат-иқлим шароитлари, минерал хом ашё ресурслари ва ортиқча ишчи кучи ресурсларига эга бўлган жумҳуриятда аҳволнинг шундайлиги афсусланарли бир ҳолдир.

Қолоқликни тугатиш учун энергетикамиз қувватларини кўпайтириш, ёқилғи-энергетика комплексининг ривожланишини жадаллаштириш, унинг хом ашё базасини кенгайтириш, энергияни иқтисод қилувчи технологияни фаол жорий қилиш керак. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бундан буён электрлаштириш, унинг ривожланиши хусусиятлари ва такомиллашиши асосан бозор муносабатлари билан белгиланади. Шу билан боғлиқ тармоқни регионал хўжалик ҳисобига ўтказиш мўлжалланмоқда. Бунга биз катта умид боғлаяпмиз. Чунки, у ҳамма жойда корхоналаримизнинг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг жамоалари ижтимоий тараққиётини кучайтириш, истеъмолчилар билан муносабатларимизни яхшилашга хизмат қилади, деб ишонамиз.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССРнинг 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Энергетика дастури ишлаб чиқилмоқда. Бундан буён энергетикамиз қуввати янги қурилишлар, айни вақтда мавжуд нурхоналарни кенгайтириш, қайта қуриш ва модернизациялаш ҳисобига ошади. Жумладан, Янги Ангрен ГРЭСи қурилиши тугалланади. Сирдарё ГРЭСи яқин вақт ичида қайта қурилади. Натижада унинг қуввати анча ошади. Тошкентни иссиқлик билан таъминлашни яхшилаш учун янги иссиқлик электр маркази қуриш назарда тутилмоқда.

Бизнинг фикримизча, йигирма биринчи асрнинг иккинчи беш йиллигида Тошкент вилоятида органик ёқилғи асосида ишловчи янги ГРЭС қурилиши зарур. Нурхоналарни техникавий жиҳатдан қайта ускуналашга катта эътибор берилади. Шу йўл билан асосий асбоб-ускуналарнинг чидамлилиги янада оширилади, турбиналар, трансформаторларнинг қуввати ортади. Жисмонан ва маънавий эскирган ёрдамчи асбоб-ускуналар янгилари билан алмаштирилади. Ўн учинчи беш йилликда Тошкент ва Ангрен ГРЭСларини иссиқлик режими асосида ишлашга ўтказиш тугалланади. Бу тадбирлар туркуми атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иш жараёнларининг автоматлашишини янада кучайтиришга ҳам ёрдам беради.

Экологик жиҳатдан соф энергетикани барпо этиш масаласи муҳим бўлиб турибди. Шуни ҳисобга олиб, бу йўлда муайян ишлар қилинади. Жумладан, Янги Ангрен ГРЭСида чанг-газни тозаловчи анча замонавий янги қурилмалар ўрнатилади. Албатта, бу анча мушкул иш. Унинг сабаби шундаки, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш иморатларнинг ҳаражат қийматини кескин оширишга олиб келади. Чунончи, Янги Ангрен ГРЭСининг еттинчи ва саккизинчи энергия блокларида шундай қурилмаларни ўрнатиш ҳар бирини барпо этиш ҳаражатларини 50 миллион сўм қимматлаштиради. Бундай маблағ ажратиш ҳозирги шароитимизда жуда оғир. Лекин шунга қарамай бу ишларни қилиш керак. Яна бир муаммо бор. Бизнинг нурхоналаримизга Туркманистонда қазиб олинаётган газ оқимини тезлаштириш ва кўпайтириш лозим. Бу масалани икки қўшни жумҳурият ҳукуматлари ҳеч кечиктирмай ҳал қилишлари лозим.

Жумҳуриятимизда ядро энергетикасини барпо этиш мумкинми? Кейинги вақтларда шундай саволлар кўп тушмоқда. Шуни очиқ айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бундай нурхоналар қуриш масаласи кўриб чиқилаётгани йўқ. Бироқ шундай вақт ҳам келиши мумкин. Бу масалада бизни Япония тажрибаси жуда қизиқтирмоқда. Бу мамлакатдаги атом энергетикаси минтақаси жуда хавфсиз ва истиқболли ҳисобланади.

Бизнинг шароитларимизда энергиянинг анъанавий бўлмаган манбаларининг бошқа кўпгина турларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунда мен сойлар ва ўртача дарёлар, каналлар ва сув омборларининг кичик энергетикани ривожлантириш манбалари сифатида, қуёш энергиясидан, шамол энергетика қурилмаларидан фойдаланишни айтмоқдаман. Ер остидаги иссиқ сувларни унча катта бўлмаган аҳоли манзилгоҳларини иссиқлик билан таъминлаш учун ишлатишни назарда тутаяпман. Анъанавий бўлмаган манбалардан фойдаланишнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, жумҳуриятимизда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг уюшмасини барпо этиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу энергетика муаммоларини ҳал қилиш учун маблағларни бир жойга тўплаш, ҳатто бу ишда бизга нисбатан анча такомиллашган технологияга эга бўлган ҳорижий фирмаларни жалб этиш имконини беради. Хулоса шуки, жумҳуриятимиз энергетикасининг халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига нисбатан илдам суръатлар билан ривожланишини таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарур.

